

## **ЧИНГИЗ АХМАРОВ**

**Мирзаходжаев Баходир Анвар ўғли**  
*Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси*

**Аннотация:** Уибу мақолада Ўзбекистон ва Татарстон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ва унинг хаёти ва ижоди хақида қисқача баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Чингиз Ахмаров ва унинг хаёти ва ижоди ва унинг машҳур асарлари.

Чингиз Ахмаров 1912 – 1995 – йирик бахобат услубидаги рассом портретчи – рассом миниатурачи – рассом профессор юзлаб ўқувчига сабоқ берган педагог Ўзбекистон ва Татарстон халқ рассоми Сталин мукофоти лауреати Санъатшунослик оламида Ахмаров мактаби номини қолдирган инсон ва йирик рассом.

Чингиз Ахмаров 1912 йил 18 август куни Троитск Жанубий Урал Россия да туғилган Ахмаровлар оиласида 11 нафар фарзанд бўлган улар билан хам онаси хам отаси тарафдан бувиси ва додаси яшаган,

Ахмаровлар оиласида юқори маданият 19 асрдан хукм сурган бобоси Мифтохитдиндан уларга катта қутубхона мерос қолиб унда турк татар ва озарбайжон тилларидағи қулёзма ва тошбосма китоблар ва журналлар кўп бўлган Чингиз болалигидан Мулла Насриддин номли журнални яхши эслайди зеро у ердаги суратларни кўчириб чизган унинг опалари шер мutoаласи билан қизиқишиган пианино чалишган уйда спектакллар қўйиб адабий кечалар уйиштириб уйга меҳмонлар чакиришган.

Чингиз тўрт ёшидан болалар боғчасига етти ёшидан эса катта акалари ўқиган мактабга боради Олти ёшида Чингизга Гауфнинг Кичкина Мук китобини совфа қилишади китоб Дмитрий Митрохин суратлари билан бойитилган эди Митрохиннинг суратлари болакайнинг тақдирини белгилаб берди - албатта рассом булишни қалбига туғиб қўйди.

1927 – йил бошлиғи мактабдан сўнг ўн беш ёшарли Чингизни перлик бадиий билим юртига таклиф қилишади Перм билим юртидаги имтихонда Чингиз И А Криловнинг Қарға ва тулки масалидаги суратларни чизади ва талабаликка қабул қилинади Шу йилнинг ўзида Чингизнинг отасига ўғлиниң соғлиғи туфайли яшаш иқлимини ўзгартиришни маслаҳат беришади ва Чингизлар оиласи Ўзбекистонга кўчиб келади - аввалига Қарши сўнгра Самарқандга.

1931 йил Чингиз Ахмаров Перм рассомчилик билим юртини тамомлайди унинг диплом иши шахар драма театридаги Ф Шиллернинг Марк ва севги фожиавий асарига чизилган суратлари бўлди Маскур асар театрнинг бадиий хаётида сезиларли воқеага айланди ва ёш рассомни турли ишларга таклиф қила бошлишади.

Дипломни қулга олиб Чингиз оиласига - севимли Самарқандига уни доим чорлаган Темур мақбараси Фори Амирга қайтади.

Ахмаровнинг қайтишига Самарқандда бадиий техникум очилиб унга Павел Бенков ва Зинаида Ковалевскаялар раҳбарлик қилишади академик билимга эга москвалик ва петербурглик устозлар дарс беришган Ёшгина Чингиз хам тез орада ишга киради у мазкур мактабда чизмачилик ва рассомчиликдан дарс беради.

1934 йилнинг майида мактабдаги дарслар якунланиши билан Тошкентга келади ва пойтахтдаги хамкаслари билан танишади Ўз ишларини Искандар акага кўрсатиб Чингиз кутилмаганда Файрати Шокира Сулаймон каби ёзувчилар ва иккита халқ эртаклари китобларини безаги учун буюртма олади.

Нашриётдаги фаолияти уни Абдулла Қаххор Зулфия Парда Турсун Фофур Ғулом каби ёзувчилар драматурк Умар Исмоилов шоир Мақсуд Шайхзодалар билан яқинлаштириди.

Нашриётдаги газета ва журналларда ишлаб у шунингдек Усто Мўмин Борис Жуков Ўрол Тансиқбоев Александр Волков каби рассомлар билан яқинлашади У вақтлар Чингизнинг ёши бор – йўғи 22 да эди бу каби Ўқимишли ва қизиқарли инсонлар билан сухбат унинг дидидаги маданият ва дунёқараш каби қирраларни шакллантиради.

1935 йил у Ленинграддаги Рассомчилик Институтига ўқишига қатиј карор қилади ва у ерга ўз хужжатлари ва танлов ишларини юборади Аммо жавобни кутиб қолади ва унинг ўзи Нева дарёсининг кирғоқлари томон йўл олади Бироқ Ленинградда умидлари пучга чиқади уни уқишига қабул қилишмайди – танлов жуда кучли ўтади ва хар бир иштирокчи орқасида кучли рассомлар туради Бу зарба жуда шавқатсиз бўлди аммо Чингиз бўш келмайди У ўзининг рад этилган ишлари билан Москвага жўнайди ва Лев Бруни хамда Владимир Фаварский каби рассомларга юзланади зеро Тошкентда ва Самарқандда улар хақида кўп эшитганди Чингизни ўқишига илтифот билан қабул қилишади унинг хужжатларини кўриб Изоинститутга боришини маслаҳат беришади.

1942 йил Чингиз Ахмаров институтни якунлайди институтни номи Суриков номига ўзгартирилган эди .

1944 – 1947 йиллар Ахмаров А Навоий номидаги опера ва балет театрида қўлёзмалар яратади Улкан ва мислсиз иши учун Чингиз Ахмаров 1947 йил 1 – даражали Сталин мукофоти билан тақдирланади

1955 йил Ахмаров кутилмаганда у учун мухим бўлмиш муаллифлик иши учун буюртма қабул қилади – Қозондаги опера ва балет театрининг интерерини шахсан безатиш Хам хажман хам ижодий ғояси бўйича улкан бўлмиш иш учун Ахмаров икки йил вақт сарфлайди.

1961 йил Ахмаровнинг тақдири ўзгаради У Тошкентга қайтади.

У Улуғбек музейи учун бир қатор манументал – декоратив ишлар қилади Беруний номидаги санатшунослик институт айвони учун қўлёзмалар чизади Тошкентдаги Навоий музейининг биносини Самарқанддаги Юлдул ресторанининг

банкетлар залини безайди Сочидаги Ўзбекистон санаторисини Тошкент метросидаги Алишер Навоий бекатини безайди Хаттоқи Красноярск шаҳридаги кафени хам безашга улгуради – сибирликлар учун Ўзбекистондан хадя.

Ушбу йиллар у Тошкент рассомчилик институтида дарс беришга хам улгуради 1964 йил эса китоб графикасига қайтиб Шароф рашидовнинг Кашир афсонасини безашга улгуради Ахмаровга шон – шухрат фахр ва хурмат келади 1964 йил у Ўзбекистон халқ рассоми бўлади 1967 йил эса Хамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлади Ўзбекистоннинг янги хукумати уни Ватан олдидағи хизматлари учун олий мукофоти билан тақдирлайди.

2007 йил Чингиз Ахмаров таваллудининг 95 йиллигининг хукуматимиз томонидан нишонланиши хамда рассом хотиралари китобининг нашр этилиши президентимизнинг рассом ва унинг ижодига бўлган севги ва хурматдан далолотдир.

Чингиз Ахмаров 1995 йил 13 март куни 83 ёшида вафот этган Унинг қабрига хайкалтарош Тожихўжаев томонидан ишланган ажойиб хайкали ўрнатилган дафн маросими гавжум бўлган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Узбекистон миллий Энциклопедияси 2000 - 2005 йил.